




# Ishonch

**Ишониқ**  
**Бошқаларга**  
**зиён истама,**  
**ўзинг ҳам зиён**  
**кўрма,**  
**Фақат яхшилик**  
**қил, ҳавас ва**  
**орзуни билгин.**  
 Юсуф Хос ҲОЖИЕВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Истиқлолдан нур олган шаҳар

**Самарқанд ўтмиш ва келажакни уйғунлаштирган шаҳар. Кейинги йилларда шаҳардаги улкан бунёдкорлик ишлари салмоғи ортиб, янада тароватли гўшалардан бирига айланмоқда. Яқинда шаҳар ҳокими Зойир Мирзаев амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан матбуот ахлини таништирди.**



# Кўҳна Шарқ тожин кийиб...

Чўпон ота қирликлари оша келган ҳар бир йўловчи кўз ўнгиди Самарқанднинг буй-баста намоян бўлади. Неча асрки муаззам шаҳар шу тахлитда меҳмон кутади. Кейинги беш йилдаги ўзгаришлардан ҳайратга тушмасликнинг сира иложи йўқ.

— Самарқандга илк бор 2004 йилда ташриф буюргандим, — дейди италиялик сайёҳ Хуан Карлос. — Бу юртни яна бир зиёрат қилиш орзуси сира тинчлик бермади. Келдим. Аммо ўзимни мулоқ янгилаган шаҳарда ҳис эта-яман. Шарқ ва Фарб меъморчилиги уйғунлашган бунёдкорлик ақлимини лол этди. Юртингизга кўз тегмасин.

«Шарқ тароналари» орқали дунёга танилган Регистон чегарасида яна бир мўъжаз гўша — «Йулбарслар хиёбони» деб номланган хиёбон барпо этиляпти. Бу ерга 2250 туп каштан, қрим соснаси, настарин, ҳатто лола дарахти ниҳоллари ўтказилди. Худудда иккита фаввора, «Регистон» супер

маркети қад ростлади. Бўстонсарой кўчасида бешта кўп қаватли турар-жой, иккита банк биноси қурилиши жадал кетяпти. Олдинги энламаси 18 метрли йўл 30 метрга етказилди. Замонавий ёри-тиш асбоблари, ҳаракатни таъминловчи воситалар ўрнатилди.

Бу бир кўча таърифи холос. Шаҳарда 444 та объектда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. 141 та иншоот эса янгитдан қурилмоқда. Шу кеча-кундузда 11 та кўп қаватли турар-жой, 4 та маъмурий бино, 108 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншооти барпо этилаётир. Ички йўллари тартибга солиш учун 40 млрд. сўм ажратилиб, шу чоққа 16 млрд. сўм ўзлаштирилган.

Самарқандлик тadbirkor ва ишбилармонлар сайёҳ-ҳаракати билан Мирзо Улуғбек кўчасидаги 228 та объектда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Деярли барча бино маҳаллий тadbirkorлар томонидан тайёрлан-

ган турли рангдаги черепицалар билан ёпилмоқда.

Шу билан бирга, тор кўчалар кенгайтирилмоқда. Хусусан, Саитаменшоҳ кўчасидаги 31 та турар-жой, 50 га яқин маъмурий бинолар бошқа жойга кўчирилиб, йўлни кенгайтириш, янги турар-жой биноларини барпо этиш мўлжалланаяпти.

Аэропорт, темирйўл вокзали ва унга олиб борувчи кўчалар янги қиёфа касб этди. Шаҳардаги автоташоқбатлар таъмирланиб, барча қулайликлар яратилди.

— Шаҳримизда бўлган ҳар бир меҳмон, албатта, Улуғбек расадхонасига ташриф буюради, — деди шаҳар ҳокими матбуот анжуманида. — Ушбу мажмуада ҳам қайта қуриш ишлари бошлаб юборилган. Миллий ва замонавий архитектура ютуқларини уйғунлаштирган бунёдкорлик бу ерга ўзгача қиёфа бахш этиши, шубҳасиз.

**Н.ШАМСИЕВ,**  
 «Ishonch» мухбири

## Саховат



# Улуғ неъмат

**Қадимдан бир афсона юради. Гўё бир афсунгар нимагаки кўл урса, ўша нарса олтинга айланар экан. Аммо эҳтиётсизлик унинг бошига етибди. Бир кун бошқа нарсалар қатори нонга ҳам кўл уриб қўйибди. У олтинни қучганича очлик азобида оламдан кўз юмибди.**

Ҳар қандай неъмат ҳам кўнгила тегиши мумкин, аммо нон кўнгила урмайди. Шунинг учун ҳам нонсиз дастурхон ёзилмайди, чунки у ризк-рўзимиз боши.

1985 йил эди. Қўқонда ўқитган ўғлимизни онаси билан кўриб қайтаётганимизда 10 дона Қўқон нонини олиб аэропортга келдик. Туш пайти, самолёт учиниша анча вақт бор. Тановул қилмоқ учун ошхонага кирдик. Тўладан келган хушрўйгина, хушмуомала официант киз хўрандаларни нон йўқлигидан огоҳлантирди. Негадир шаҳардан нон келмаган экан. Биз тўрхалтамыздан бир дона нонни олиб овқат буюрдик. Шу чоқ бағрида йиғлаётган 2-3 ёшлардаги боласи билан ёнимизга келган аёл:

— Барака топинлар, яхшилар! Болам эрталабдан буён оч. «Шугинага нон берсангиз», — деб пул узатди. Пулини олмай «нана-нана» деб кўлчаларини узатган гўдакка бир дона нонни тутқаздим. Залда хўрандаларнинг ўзаро шивир-шивирлари бошланди. Назаримда, улар ҳам илтимос билан келгудай. Буни ҳис қилган турмуш ўртоғим тўрхалтадаги нонга ишора қилди. Бош эгиб маълумладим. У 7 дона нонни ҳар бирига 4 кишидан ўтирган столларга улашиб чиқди.

Миннатдорчиликнинг чеки йўқ. Хаммининг номидан бир мўйсафид дуо қилди.

Хуллас, Қўқондан нонсиз қайтдик. Дарвозага етар-етмас фарзандларимиз «Суюнчи» деб пешвоз чиқишди.

Ажабо, мўйсафининг табарруқ дуоси ижобат бўлибми, сигиримиз туғиб, боласини меҳр билан ялаб турибди. Оиламизга кут-барак кирди. Дастурхонимизга оқшамдайд сўт, қаймоқ, сариёғ тортиладиган бўлди.

Қувончдан болаларнинг боши осмонда. Аммо бу таомлар нонсиз томоқдан ўтмайди. Дастлаб уларнинг кўллари нонга чўзилади.

Ҳа, нон азиз ва улуг неъмат! Қўлларидан нон ҳиди анқиган, бугун хирмон-хирмон дон-дун йиғиб олаётган галлакорларга минг бора таъзим!

**Сирожиддин МУСАЕВ,**  
 Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси

## Ҳаёт мактаби

# Мардлар қўриқлайди Ватанни

**Армия йигит кишини жисмонан ва маънан тоблаб, ор-номус, миллий гурур, ватанга садоқат каби туйғуларнинг шаклланишида муҳим ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди.**

**Қуролли қучларимизда анъанага айланган «Энг илгор мутахассис» танлови юрт химоячиларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши, юксак жанговар маҳорат соҳибига айланишида катта аҳамият касб этмоқда.**

Йилдан-йилга танлов иштирокчилари сафи кенгайиб, рақобатнинг ортаётгани ҳам шундан далолат. Бугун профессионалликка эришишни мақсад қилган ҳарбий хизматчи борки, ушбу нуфузли танловда қатнашиб, голибликни қўлга киритишни орзу қилади.

Мазкур кўрик-танловнинг республика босқичида «Энг илгор сержант» номинацияси бўйича фахрли ўринни эгаллаган Женисбой Алланиязов ҳозирги кунда Шимоли-Фарбий ҳарбий округ тасарруфидаги қисмда хизмат қилмоқда. Қорузақ туманида ишчи оиласида туғилган Женисбой жисмонан бақувватлиги, меҳнатсеварлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради.

Ўрта мактабни тугатиб армия сафи-га қақирилган Женисбой жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотида фаоллиги, берилган вазифаларни сидқидилдан адо этиши, зиммасидаги масъулиятни юракдан ҳис этиши билан ҳарбий жамоада эътибор қозонди.

Армия қахрамонимиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Муддатли ҳарбий хизмат мобайнида у жанговар сабоқларни пухта ўзлаштирди.

Бугун миллий армиямизни замонавийлаштириш натижасида посбонларга қўйиладиган талаблар ўзгарди. Қуролли қучларимизда хизмат қилаётган посбонлар нафақат жисмонан, балки маънан

баркамол бўлишларини ҳам давр тақозо этмоқда.

— Сержант Ж. Алланиязов жамоада ўз ўрни ва мавқеига эга, — дейди офицер Ортик Муродов. — У касбининг ҳақиқий устаси, тажрибали, моҳир ҳарбий хизматчиларимиздан. Энг муҳими, касбининг севади. Доим янги ютуқлар сари интилади.

Посбоннинг намунали хизматида оиланинг ўрни катта. Оиласида тинчлик-хотиржамлик бўлган кишининг ишида унум бўлади. Чунки оилاداгина инсон ўзини чин маънода бахтли сезади. Бахтиёрлик эса кишини ҳаётдан завқланиб яшашга, улкан ишларни амалга оширишга чорлайди.

Женисбой рафиқаси Улзада билан фарзандлари Бегис ва Хурлимани ўзи сингари ватанпарвар қилиб тарбиялаб келмоқда.

**Мунаввар КАБУЛОВА,**  
 21131-ҳарбий қисм қасаба уюшма раиси

## Шу сонга хабар

**Навоий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Бирлашма кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган Нормурод Хўжақуловнинг ўз вазифасидан озод этилиши сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилди.**

# Навбатдан ташқари пленум

Хатирчи туман уй-жой коммунал хўжалик касб-хўнар коллежи директори вазифасида ишлаб келган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Назира Тоғаева бир овоздан Навоий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқов ҳамда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этди ва соҳа ходимлари олдига турган долзарб вазибаларга эътиборни қаратди.

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
 «Ishonch» мухбири

**Термизлик тadbirkor Хайитали Алламуродовнинг «Эверест» фирмаси Сурхон воҳаси ахлини сифатли газ ёнилгиси билан таъминляпти.**

## «Савдо уйи»

Яқинда фирма томонидан Термиз шаҳри марказида янги «Савдо уйи» қуриб битказилди. Қурилишга 1 млрд. 300 млн. сўм сарфланди. Дўконнинг очилиши ўзига хос тантананага айланиб кетди. «Осий» ресторанида кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзанди учун суннат тўй ўтказилди. Унда Ҳ.Алламурадов болажонларнинг ҳар бирига банкда 100 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчаларни ҳам топширди.

Элимизнинг суюкли санъаткорлари Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов ҳамда Фулжон Ёқубовларнинг концерт дастури барчани хушнуд этди.

— Хайрли ишлар қилаётган тadbirkor «Эверест» фирмасида 80 нафардан ортик кишини иш билан таъминлаган бўлса, янги «Савдо уйи» туфайли яна 100 киши фойдали меҳнатга жалб этилди, — дейди савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ҳамда тadbirkorлар қасаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Абдуҳамид Қўзимуродов.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
 «Ishonch» мухбири

# Янги кун янгиликлари

**Каршилиқ Х.Худойбердиев «Агробанк»дан 199 миллион 837 минг сўм кредит олиб, Германия технологияси асосида жижизланган қорхона очган эди. Бир кеча-кундузда 3-3,5 минг дона буханка ва 34 хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарётган кўп кишилик жамоа қисқа муддатда вилоят марказининг илгор қорхоналаридан бирига айланди.**

## «Нур нон» маҳсулотлари

Бундан бир неча йил илгари ташкил этилган «Нур нон» масъулияти чекланган жамияти ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан берилган 30 минг долларлик узоқ муддатли кредит ҳисобига Россияда ишлаб чиқарилган «Восток» ва «Циклон Ротор» технологияларини ўрнатиб, қўшимча яна 10 нафар иш ўрни яратди.

Жамият раиси Гулнора Хидированинг таъкидлашича, яна 17 турдаги янги механизмлар ўрнатилди. Бу ишлаб чиқариш қуввати икки бараварга ортишини таъминлайди.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

**Маиший хизмат учун**

Тўрақўрғон туманининг Қўшқайрағоч маҳалласида тadbirkor Мўйдинхон Қозоқов маблағи эвазига маиший хизмат уйи қурилди. Унда сартарошхона, этикдўзлик ва компьютер хизмати йўлга қўйилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**  
 «Ishonch» мухбири



**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

Мамлакатимиз олий ҳарбий билим юртлирининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонлари топширилди.

Тошкент Олий ўмуқўшун қўмондонлик билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали тадбирда жамоатчилик вакиллари, ота-оналар қатнашди. Сузга чиққанлар Президентимиз раҳамалигида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

**УЗА**

**Халқаро «Экосан» жамоат фонди Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда республика телевидение ва радио касб-хўнар коллежида «Барқарор экология — келажакимиз» мавзусида учрашув ўтказди.**

# Экологияга бағишланди

Унда соҳа мутахассислари, эколог олимлар, талабалар иштирок этди. Тadbirkor мазкур коллеж раҳбари Комил Ражепов кириш сўзи билан очди. Ундан сўнг «Экосан» халқаро жамоат фондида Мирқарим Мирсоёров, Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси вакили Хония Асилбекова, Низомий номидаги Тошкент педагогика университети доценти Тошбиби Норбобоева ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Талабалардан ташкил толган «Эко» агитбригадаси аъзолари тайёрлаган атроф-муҳит муҳофазасининг долзарб муаммолари ва унинг ечимида ёшларнинг иштироки қамраб олинган саҳна асари қурилиши эътиборли бўлди.

Пировардида, ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Атроф, табиат, муҳит ёшлар нигоҳида» мавзусидаги танлов голиблири тақдирланди. Шунингдек, коллеж кутубхонасига экология ва саломатликка доир талай адабиётлар, Ўзбекистон экологик харитаси ва бошқа нарсалар туҳфа этилди. Бундан ташқари, «Экосан» халқаро ташкилотининг «Харитага кирмаган саҳро» ҳужжатли фильми мароқ билан томоша қилинди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА**

Хисобот-сайлов конференциялари
Хамжихатлик бор жойда унум бўлади

Республика курилиш ва курилиш ашёлари саноати касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳар вакиллик тизимида 149 та бошланғич касба уюшма ташкилоти бўлиб ўз атрофига 9461 нафар аъзони бирлаштирган.

— Фаолиятимизнинг асосини тармоқ меҳнаткашларига кўрсатилган хизматимизнинг натижаси белгилайди, — деди шаҳар вакили Хусниддин Сайдалиев. — Мазкур йўналишда ўтган хисобот даврида муайян ишлар амалга оширилди.

Н.РАФИКОВ, «Ishonch» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг хисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Ўтган хисобот даврида вилоят кенгаши асосий эътиборни тармоқ меҳнаткашлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавиятини юксалтириш ва оммавий спортни ривожлантириш каби долзарб вазифаларга қаратди.

Ушунингдек, маърузада касба уюшмаларида тузилган жамоа шартномаларининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий муҳофазани янада кучайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

У. МУХБИРИМИЗ

Иқтисодий тармоқ ривожига ёқилган энергетика, кимё саноати ва геология ходимларининг ўрни катта. Бу Жиззах вилоят тармоқ касба уюшма ташкилотининг конференциясида ҳам алоҳида таъкилланди.

Тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Илхом Уринов қайд этганидек, вилоятда 2560 аъзони бирлаштирган 5 та бошланғич, 25 та цех, 27 та гуруҳ касба уюшма ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Жамоа шартномаларининг пишиқ-пухталиги, улар ижроси таъминланганлиги қувончли. Айниқса, бу борада «Жиззахэлектртармоқлари» ОАЖ, Дўстлик, Жиззах нефть маҳсулотлари унитар корхоналарида ибратли ишлар қилинапти. Кўп йиллик хизмати учун ҳодимга устама тўлаш, ишловчи аёлларга ижтимоий имтиёзлар бериш сингари бандлар тўлиқ жорий этилган.

Ижтимоий шерикчилик асосида 788 нафар ҳодим корхоналар хисобига сийхатҳоҳларда саломатлигини тиклаган бўлса, 425 нафар бола ёрғи оромгоҳларда дам олдирилди.

Музокарада сўзга чиққанлар вакил маърузасини тўлдириб, таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда Марказий кенгаш Курултойи ҳамда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши конференциясига делегатлар сайланди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти вакиллик тизимида 200 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларда 11849 нафар касба уюшма аъзоси бирлашган.

Тармоқда меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси негизи саналмиш жамоа шартномаларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2010 йилнинг 5 ойи мобайнида 19 та корхонада 40 та кам таъминланган оилаларга 2221,4 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Хисобот даврида фуқаролардан келиб тушган 11 та ёзма, 240 та оғзаки мурожаатлар қонуний асосларда ҳал қилинди.

Ҳодимлар ва уларнинг фарзандлари саломатликлари муҳофиза қилиш ҳам эътиборда. Беш йил мобайнида 426 нафар соҳа ходимлари санаторий-курортларда ўз саломатликларини мустаҳкамлади.

Н.ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ижтимоий муҳофиза қаволати, бу авваламбор аҳолини иш билан таъминлаш саналади. — деди Фарида Аҳадова Самарқанд вилоят савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси III конференциясидаги маърузасида. — Вилоятимизда ишлаб-чиқаришни кенгайтириш, модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда 65 та янги корхона ишга туширилиб, 40 та корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди.

Мақсадимиз — жисмонан бақувват, Жиззах

Болалар ва ўсмирлар фаолияти факт ва рақамларда

- Вилоятда жами 797 та таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Жумладан: — 548 та умумтаълим мактаби; — 183 та мактабгача таълим муассасаси; — 23 та мактабдан ташқари таълим муассасаси; — 21 та болалар спорт мактаблари; — 1 та Меҳрибонлик уйи; — 17 та мусика ва санъат мактаби; — 4 та махсус мактаб-интернати.



12766 нафар бола мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилган. 101915 нафар бола умумтаълим мактаблари қошидаги фан тўғрақларига қатнашди. 12179 нафар бола спорт мактабларида таҳсил олади.

«Устоз-шогирд» тўғрақлари 1100 бола жалб қилинган. Умумтаълим мактабларида 18616 нафар ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бериб келади.

Энг буюк орзу

Ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантиришга эътибор қаратилди, балки уларни жисмоний чиниктириш, оммавий спортни ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилди ва этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борада муҳим дастуруламал бўлди.

Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда бундай тузилманинг йўқлиги, ундан қатор мамлакатлар қимматли тажриба сифатида ўрганаётганликлари киши қалбига гурур бахш этади, албатта.

Вилоятимизда ҳам янги спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилмапти. 2003-2009 йилларда Болалар спортини иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли Дастурига асосан вилоятимизда 69 та спорт иншооти — шундан 8 та болалар спорт мажмуаси, 48 та умумтаълим мактаблари спорт заллари янгидан қурилиб, 13 та мавжуд спорт иншоотлари жамғарма маблағидан реконструкция қилинди.

Биргина 2009 йили Бахмал туманидаги 9-, 38-, 42-, Фаллаорол туманидаги 1-, 31-, 41-, 75-, Жиззах туманидаги 24-, 40-, Дўстлик туманидаги 10-, Зомин туманидаги 26-, 54-, Фориш туманидаги 69-умумтаълим мактабларида спорт заллари қурилди.

Жиззах шахридаги теннис корти реконструкция қилиниб, Жиззах олимпиячи захиралари коллежининг ёпиқ суузиш ҳавзаси капитал таъмирланди. Ушбу қурилиш ва реконструкция ишларига жами 2.427 млн. сўм маблағ, шундан 1.745 млн. сўми жамғарма, 682 млн. сўми эса ҳомиёлар ҳисобидан молиялаштирилди.

Жорий йилда Жиззах шахрида 200 қатновли санъат мактаби қурилиши, Дўстлик туманида 150 қаватли мусика мактабини капитал реконструкция қилиши, Жиззах Олимпиячи захиралари коллежининг оқиқ сув ҳавзасини капитал таъмирлаш, Фаллаорол туманидаги 4-, Жиззах туманидаги 38-, Пахтакор туманидаги 1-умумтаълим мактабларида спорт заллари қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ҳозиргача бу объектларда 1.427 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Спорт иншоотларига жамғарма маблағидан 193,1 млн. сўмлик спорт жиҳозлари етказиб берилди.

Болалар, айниқса, чекка ва олис қишлоқдаги ўғил-қизларнинг стол теннисига бўлган қизиқишларини эътиборга олиб, барча умумтаълим мактабларига 873 дона ёки 227 млн. сўмлик стол тенниси жиҳозлари етказиб берилди.

Ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туманларда вилоят маданият ва спорт ишлари ва халқ таълими бошқармаси, спорт федерациялари билан ҳамкорликда спорт тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Вилоят ҳокими соврини учун энгил атлетика бўйича республика биринчилиги, қўл тўпи бўйича «Шум бола» республика фестивали, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган марафон кўпчиликка манзур бўлди.

«Ёшлик» ЖТЖ ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда «Отам, онам ва мен — соғлом оила» спорт мусобақалари ўтказилди.

Жойларда ташкил этилаётган спорт мусобақалари фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўқтам МАМАТКУЛОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилоят филиали директори

Вилоят ҳокими соврини учун энгил атлетика бўйича республика биринчилиги, қўл тўпи бўйича «Шум бола» республика фестивали, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган марафон кўпчиликка манзур бўлди.

«Ёшлик» ЖТЖ ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда «Отам, онам ва мен — соғлом оила» спорт мусобақалари ўтказилди.

Жойларда ташкил этилаётган спорт мусобақалари фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.


Ўқтам МАМАТКУЛОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилоят филиали директори

Вилоят ҳокими соврини учун энгил атлетика бўйича республика биринчилиги, қўл тўпи бўйича «Шум бола» республика фестивали, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган марафон кўпчиликка манзур бўлди.

«Ёшлик» ЖТЖ ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда «Отам, онам ва мен — соғлом оила» спорт мусобақалари ўтказилди.

Жойларда ташкил этилаётган спорт мусобақалари фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўқтам МАМАТКУЛОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилоят филиали директори



Медаллар шодаси — меҳнатимиз самараси

Масалан, 2009 йил 26-27 июл кунлари Туркияда дзюдо бўйича, 29 июн 4 июл кунлари Украинада бокс бўйича ўтказилган турнирларда Ислом Хайиткулов, Бобур Айтбоевлар биринчилиги қўлга киритган бўлса, Тошкент вилояти ҳамда Урганч шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳамда Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида бокс бўйича Б.Айтбоев, миллий курашда И.Хайиткулов, Ф.Исроиловлар олтин медал соҳибига айланган.

Болалар спортини ривожлантириш йўли билан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бугун мамлакатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Айниқса, 2009-2010 ўқув йилида мактабимиз спорт кўрсаткичлари салмоқли бўлди. Ўқувчиларимиз халқаро турнир ва мусобақаларда фаол катнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Медаллар шодаси — меҳнатимиз самараси

Масалан, 2009 йил 26-27 июл кунлари Туркияда дзюдо бўйича, 29 июн 4 июл кунлари Украинада бокс бўйича ўтказилган турнирларда Ислом Хайиткулов, Бобур Айтбоевлар биринчилиги қўлга киритган бўлса, Тошкент вилояти ҳамда Урганч шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳамда Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида бокс бўйича Б.Айтбоев, миллий курашда И.Хайиткулов, Ф.Исроиловлар олтин медал соҳибига айланган.

Эътиборли жиҳати, бокс, миллий кураш, турон кураши, стол тенниси бўйича ҳар йили республика чемпионолари этишиб чиқмоқда. Мураббийлар — халқаро тоифадаги спорт устаси, бокс бўйича 1998 йилги жаҳон кубоғи ғолиби Лазизбек Зокиров, миллий кураш бўйича Адхам Азимов, футболда Улуғбек Алматов, турон курашида Ином Тожиевлар жамоамиз фахри.

Уч йилдирки, бадий гимнастика бўйича мураббийлар Дилдора Муродова ҳамда Нодира Абдуллаева вилоят БУСМлараро ташкил этилаётган мусобақаларда фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда.

Ўтамурод АБДУСАЛОМОВ, Жиззах туманидаги 1-сон БУСМ илмий бўлим мудири

Йўқлиги ўйлантриб қўйди. Равшан ҳеч иккиланмасдан рўзғорига яраб, дурустгина ишлаб турган Теғирмонини сотди. Яна уйдаги «қўлга иланидан» жиҳозларнинг бир қисmini мактабга олиб келди. Маҳалла-қўй ҳам қараб турмади, албатта. Бино бироз элаққа келгандай бўлди. Кўп ўтмай, туман Болалар ва ўсмирлар мактаби фаолият бошлади.

Ўтган даврда, аввало, кадрларнинг мукамал тизimini яратишга эришилди. Шу билан бирга, машғулотлар учун зарур шaroит яратишга эътибор қаратилди. Ходимларнинг меҳнат шaroити яхшиланди.

Айни пайтда мактабда 19 нафар маҳалла ўқитувчи-мураббий фаолият кўрсатмоқда.

Кураш бўйича республика тоифасидаги ҳакам И.Буриев, И.Каримов, У.Қўраёев сингари мураббийлар жамоанинг фарҳага айланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, «Шуҳрат» медали соҳиб Равшан Суяндиқов билан зарбдорлик ёш спортчилар бугун ҳақли равишда фахрландилар.

А.АЗИМОВ

Иштирош (Лавҳа)



Айтишларича, болалар спорт мактабининг тарихи қизик экан. ... Уч йилча аввал ҳамқишлоқларига дурустгина тадбиркор сифатида танилган, Равшан Суяндиқовнинг ҳаловати йўқолди. «Ҳар бир замонавий шахс спортнинг бирор турини мукамал эгаллаб, доимий шуғулланмоғи зарур». Бу фикр унга азалдан тинчлик бермасди. Бунга эришмоқ эса осон эмас. Аввало, шароит муҳим.

У маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашди, тегишли мутасаддиларга учрашди, режа тузди. Худудда қаровсиз қолган ҳўжалик маданият саройини эпаккага келтириб, спорт мажмуасига айлантиришга қарор қилди. Ташландиқ бино спорт мактаби учун берилди-ю, лекин уни таъмирлашга маблағ

Маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

ВИЛОЯТИ

Камолот йўлида

Вилоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти қошидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилганига 20 йилдан ошди.

Ўтган йиллар мобайнида 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, юздан зиёд спорт устаси камол топди. Икки нафар самбочи жаҳон чемпионлигига сазовор бўлди. Енгил атлетика бўйича спорт устаси Лазиз Болтабоев Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Осиё ўйинлари мусобақасининг иштирокчиси.

регби ва кураш турлари билан шугулланади. Уларга 15 нафар малакали мураббий устозлик қилмоқда. 2009 йили Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақасида икки нафар жаззахлик спортчи бронза медалини қўлга киритди. Булар югуриш ва делфин усулида сузиш бўйича Жаззах шаҳридаги Пушкин номи мактаб ўқувчиси Алиакбар Юнусов ҳамда Жаззах туманидаги К.Азимов номи мактаб ўқувчиси Отабек Анваровдир.

бек Хидиров ҳамда Зафар Ахмедов сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони. Навоийда Республика касаб уюшмалари Федерацияси томонидан Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган спартакиадада 22 нафар спортчимиз катнашиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Ёш спортчилар ёзги соғломлаштириш мавсумида шаҳардан ташқари оромгоҳларда мириқиб хордиқ чиқариши, шу билан бирга, мунтазам равишда спорт билан шугулланиши учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил ҳам 70 нафар ёш спортчи ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлади.

Бахриддин ОКЎТАЕВ, вилоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бош мутахассиси

Шингил хабарлар

Бахмал 59-умумтаълим мактабида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда мактаб хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Биз — спортчилар оиласи» мусобақаси ўтказилди. Унда жамоалар югуриш, арқон тортиш, тўп билан ҳаракатланиш каби кувнок ўйинлар бўйича беллашди.

Жомуродовлар оиласи 18 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Орзикуловлар, Бегимқуловлар, Муродовлар оиласининг чиқишлари ҳам олдига билан кутиб олинди.

Жаззах тумани

«Ўзбегим диёри» хусусий фирма раҳбари Ф.Исомов 17-умумтаълим мактабига спорт жиҳозлари совға қилди. Эндиликда теннис, футбол, волейбол, баскетбол тўғрисида машғулотлар янги воситалар ёрдамида ўтказилаётган бўлди. Саховатли тadbиркор, шунингдек, кам таъминланган оила фарзандларига бeлул спорт жиҳозлари тўғрисида.

Галлаорол

1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вилоятда ўзига хос ўринга эга. У ерда мураббийлар Камола Пардаева ва Гавҳар Раҳматуллаева раҳбарлигида бадий гимнастика тўғрисида фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчи-қизлар катта қизиқиш билан машғулота катнашаётир.

Муштарий Рашидова 16-20 апрел кунлари Тошкентда ўтказилган республика биринчилигида яхши натижага эришиб, мутахассислар эътиборига тушди.

Зиёда Норбоева, Гавҳар Йулдошева, Сарвиноз Қудратова, Мафтуна Саримсоқова каби ўнлаб ёшлар иқтидорларини намойиш этмоқда.

Қизларжон, «Матлуба»га марҳамат

Жаззахда «Матлуба» гимнастика саройи янги бошлаганига икки йилдан ошди. Шу даврда фаолиятимиз янада жонланди.

Вилоят, шаҳар, мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фаол катнашиб келмоқдамиз. «Барчиной қизлари» соврини учун беллашувдаги яқна бахсларда Барчиной Холматова голиб чиққан бўлса, С.Ҳазратқулова, Н.Раҳматова ҳамда Н.Жўрақулова жамоавий биринчиликни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Оммавийлик ва маҳорат ривожига БЎСМлар ўртасида ўқувчи-ёшларнинг таътил кунларида ўтказилаётган анъанавий спартакиадаларнинг ўрни бекиёс. Кечагина ўтказилган таътил мусобақаларида ҳам ўқувчиларимиз томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Мактабимизнинг бадий гимнастика бўлимига катнашаётган 3-15 ёшли қизларнинг сафи янада кенгаймоқда. Ҳозирда шахримизнинг Чарғалик, Тошлоқ, Уратепалик, Кимбегар маҳаллалари, митти туман маззеларининг юзга яқин қизлари катнашмоқда.

Мафтуна ТУРСУНҚУЛОВА, Жаззах шаҳридаги «Матлуба» гимнастика саройи мураббийси



Нафис спорт ошуртасиман

Ўн ёшга қадам қўйдим. Спорт менинг жону дилим. Мана уч йилдирки, уйимизга яқин жойлашган 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига катнайман.

Спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика бўлимида 64 нафар қиз шугулланамиз. Дилдора опа Муродова ва Нодира опа Абдуллаева мураббийлигида бу спорт турининг сир-синоатларидан бохабар бўлиб бораёلمиз. Машғулотлар ўтказишга барча шароит

муҳайё. Айтишим керакки, спорт билан шугулланишим ўқишларимни ўзлаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатаётти. Мактабда барча фанлардан аълога ўқийман.

Уйдагилар ҳам менинг спортга қизиқишимдан хурсанд. Ўтган йили вилоят терма жамоасига аъзо бўлдим. Келгусида

эришган муваффақиятларимни янада мустаҳкамлаб, жонажон мамлакатимнинг спортдаги шон-шухратини оширишга ҳисса қўшмоқчиман.

Шаҳзода МУНАВВАРОВА, Жаззахдаги 1-БЎСМнинг бадий гимнастика бўлими ўқувчиси

«Ёз — 2010» юқори савияда ўтади

Жаззах вилоят ҳокими «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишни ташкил қилиш, мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида «Ёз — 2010» спорт мусобақаларини ташкиллаштириш юзасидан қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ, соғломлаштириш оромгоҳларига бормаган 1995-1997 йилларда туғилган мактаб ўқувчилари ўртасида икки босқичда «Ёз — 2010» спорт мусобақалари ўтказилади. Шаҳар ва туман, сўнгра вилоят босқичларини юқори савияда ўтказиш маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юкланди. Тадбир тантанали ўтказилиб, голиб ўқувчилар эсдалик совгалари билан тақдирланади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоят филиали вилоят босқичини ўтказиш учун 5 млн. 284,5 миң сўм маблағ ажратилди.

А.МАННОПОВ

Кўрғазма

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Ёшлар» шахарчасида ташкил этилган кўрғазма «Куч — билим ва тафаккурда» деб номланди. Мазкур тадбирда вилоятдаги мактабдан ташқари муассасалар, мусика ва спорт мактаблари жамоаларидан вакиллар катнашди.

Мақсад — болаларни мактабдан ташқари муассасаларга ёзги таътил даврида жалб этишдан иборат. Тадбир натижасида 9000 бола муассасаларга қамраб олинди.

Феруза НИГМАТОВА, вилоят халқ таълими бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси

Вилоятимизнинг чекка ва олис киш-лоқларида ҳам вояга етмаганларнинг спорт кўникмаларига шакллантирилиши уларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширмоқда.


Бахмал туманининг Барлос қишлоғида 1994-1995 йилларда туғилган ўғил ва қизлар ўртасида спортнинг турон кураши бўйича вилоят очик биринчилиги ўтказилганда бунга амин бўлдик. Тадбирда 150 нафар қишлоқ ёшлари катнашди.

Йилнинг биринчи ярмида вояга етмаганлар ўртасида саксонга яқин спорт тадбирлари ўтказилиб, уларда 3,500дан зиёд ўғил-қиз иштирок этди.

11 та халқаро, 35 та республика миқёсидаги мусобақаларда катнашган вакилларимизнинг 35 нафари спорт усталигига номзод, 88 нафари эса 1-даражали спортчи талабларини бажарди.

Халқаро мусобақаларда 3 та олтин, 3 та кумуш, 7 та бронза, республика мусобақаларида 29 та олтин, 33 та кумуш, 41 та бронза медали қўлга киритилди.

Бокс бўйича феврал ойида Болгарияда ўтказилган халқаро турнирда Хуршид Тожибоев олтин, Навоий шаҳрида Ўзбекистон биринчилигида Бобур Айтбоев олтин, Ислон Тўхтабоев бронза медалига сазовор бўлишди. Маргилон



Умидли ёшлар спорт беллашувларида кашф этилмоқда

шаҳрида 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпио-натида Жаҳонгир Довидов, Достон Абдулҳакимов олтин, Бобоусмон Ботуров бронза медалини қўлга киритди.

Ёш оилалар ва болалар ўртасида, айниқса, қишлоқ жойларда вилоят доирасида спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, кураш, таэквандо, қўл тўпи ва бокс турлари бўйича мусобақалар тез-тез ўтказилмоқда. Жаззах туманининг Равот қишлоғида миллий спорт тури — турон кураши бўйича вилоят мусобақасида 200дан зиёд бақасида 487 нафар мураббий тахсил бeришди.

Вилоятимизда 15 та спорт-соғломлаштириш клуби, 27 та спорт федерацияси фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд спорт мактабларида 15444 ўқувчига 487 нафар мураббий тахсил бeришди.

Мақсадимиз — баркамол авлод тарбиясида спортнинг алоҳида ўрни ва роли бўлишига эришишдан иборат.

З.МУРТОЗАҚУЛОВ, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Кўшсаҳифани «Ishonch» муҳбири Абдуманноп АЗИМОВ тайёрлади.

Орамиздаги одамлар

Тошпўлат махсум

Тириклик ҳамиша бўлади содда...

Усмон АЗИМ

— Тошпўлат махсумни танийсизми? — сўрайди Расул дўхтур машинада кетаётган нотаниш ҳамроҳидан. — Йўқ, ким у Тошпўлат махсум дегани? — Эби, наҳотки, домла Асадуллаевни билмайсиз, Биби-гул момонинг катта куёвини-я! Ҳа, Тошпўлат махсумни сиз танимайсиз, асло ҳижолат чекманг. Ҳадемай таниб оласиз, балки, қадрдон бўлиб кeтарсиз.

Тошпўлат махсум дегани оқ-сарикдан келган, тўлагина, ўрта бўйли киши. Соқол-мўйловсиз, ёши ҳам етмишни қоралаган. Лекин синчи одам ҳам нари борса олтимиз ёш бeради. Қаранг, Тошпўлат махсум қаёққадир кeтаптапти! — Қамашига бораёяман, Халил дўхтур тўй қилмоқчи эди, негадир хабар йўқ, бирор етишмовчилик бормикин, ахир элимиз бир, тўйнинг ўзи бўлмайди, бир маслаҳатлашиб кeлай, — деб тахсига чиқди. Эртасига тўрхалта кўтариб яна йўлда. — Ҳамсоямиз бетоб бўлиб «болница»га тушибди, бир сўраб кeлмасак уят бўлар-ов...

Тошпўлат махсум элнинг устиде эмас, ичида юради. Тошпўлат махсумнинг айтишича, одамнинг бегонаси йўқ. Ҳамма таниш, барча қадрдон. Мана яқинда Бегман чойхоначи нафақага чиқиб элга ош берди. — Олқиш-у сарполарни чойхоначи олди, югур-югурлар бошида эса Тошпўлат махсум қолди. Бундан у киши асло оғринмайди, балки қувонади.

— Тирик банданинг ташвиши бўлади, ташвиши йўқдан ас-расин, — дейди жилмайиб. Махсум ақанинг қалингина кўк дафтарида маҳаллага доир барча маълумотлар бор. Одамлар, туғилган кунлари, қозон-товок, кимнинг нечта сигир-бузоғи, қўй-эчкини, ҳатто товук-куржасининг сони ҳам қайд этилган. Кимнингдир хўрози йўқолса ҳам Тошпўлат махсум балоғардон, суриштиради, излайди, топмасдан қўймайди.

Энди икки оғиз Тошпўлат махсумнинг жаҳонгашталиги ҳақида. У киши дунё кезган, дунё кўрган одам. Нақ йигир-миа тўрт марта Сочи, Ялта, Варна деган жаннаткам гўшларга бориб, дам олиб қайтган. Ҳатто Қора денгиз бўйида атоқли ёзувчи Шухрат билан учрашиб сўхбат қурган. Адибнинг бозор-ўчарини бажариб, дуосини олган.

Тошпўлат домла ўттиз йилдан кўпроқ мактабда рус тили ва адабиётдан болаларга сабоқ берди. Ишлаганда ҳам ўқувчиларга меҳрини, борини бериб ишлади. Ана, уста Уроқ ҳали ҳам домла ёд олдирган шеърларни айтиб юради.

Тошпўлат домла адабиётнинг, санъатнинг илҳосманди бўлди. Бир мuddат туман газетасида адабий ходим, радио-да суҳбатдон, «Бўстон» ансамблида созанда бўлиб фаолият кўрсатган. Ашуласини эшитганлар, «раҳматли отаси ҳам дутор чертиб шундай хиргойи қиларди, ўғли ҳам отасига тортибди-да» деб қўйишди. Чунки домланинг овози ширали. У киши ҳавас билан фарзандларига Алишер, Машраб, Бобур, Нодира деб исм қўйган.

Билганлар Тошпўлат махсумни бой қилган аёли, дейди. Бу гапда жон бордек. Агар шундай бўлмаса, етти ўғил, уч қизни катта қилишининг ўзи бўладими!

Энди, маврид келганда Баҳорой опани ҳам икки оғиз мактамасак бўлмас. Опамиз махсум акамиздан етти ёш кичик. Ғуззоп, сомон, саби-пиез, шолғом деганларнинг «ўзи уйга кeлади». Буни аёли дўндиради. Яъни, опамиз ёз бўйи Байман фермернинг даласида, Тошпўлат махсум айтганидек, «командирова»да бўлади. Тагин аёли кўни-қўшинларга тандир-ўчоқ қўриб, сурпа-рапида тикиб «бизнес» қилади.

Доимий мижозлари ҳам бор. Ана, Дилдор депутат-фермер, уйда ҳам бўлади, иши кўп, қўли теғмайди. Өзoқ галладан қаршииб туради. Сут-қатиқ, қаймоқни Асадуллаевдан олади.

Тошпўлат махсум ўзини ҳеч кимдан кам чоғламайди. Дид билан кийинади, яна бўйинбоғ тақиб юради. Ҳа меҳмон-навоз, таомлардан қовурилган қўй гўшти ва балиқни хуш кўради. Бир-икки пиёла тоза шаробдан бўлса, йўқ демайди. Аммо, озгина иримчи, уйдаги мол-ҳолининг сонини айтмайди. «Эй, учтагина тирригимиз бор», деб қўяди. Севган машғулотни қўй боқиб, қўзичиқ ва улоқчаларнинг диқир-лаб сакрашини қўриб завқланади.

Эр ҳам, аёли ҳам турмушидан мамнун. Кўп эмас, йигир-ма учта тектурмас невараси бор. Яна Ҳасан-Ҳусан деган эгизак ўғилларини уйли-хойли қилиш керак.

Тошпўлат махсум кеч ётиб, эрта туради. Қўшниси Қаюм бобонинг сахархез хўрози ҳам у киши турғач қичқиради... Субҳидам.

— Туринг, Махсум бобо кeлаптапти, уришиб бермасин, — дейди қўшниси Умида эри уста Эркинга.

Уста шовилиб юз-қўлини ювди.

Боғ тарафдан Тошпўлат махсумнинг овози кeлди.

— Туринглар, тонги ризқдан олиб қолинглар, гафлатда ётманглар!

Кимдир айтди: — Шу Махсумга қойилман, ҳеч тиним билмайди.

Ҳўш, энди Тошпўлат махсумни танидингизми, ҳа бара-калла, бундай тиниб-тинчимас одамларнинг борлиги бах-тимиз, хайру баракамиздир.

Ўролбой ҚОБИЛ, Қамаш туманидаги Гулистон қишлоғи

Урганчтрансгаз» шўьба қорхонаси маъмурияти ҳамда касаб уюшма ташкилоти Хоразм вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасуловга турмуш ўртоғи

Ойибчи ҲАКИМОВАнинг вафот этганилиги муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Тошкент Давлат Иқтисодий университетини қошидаги Иқтисодий гимназияси томонидан 18.06.2005 йилда Расулова Муҳиддин Музаффарович номига берилган И №1299227 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бeкор қилинади.

Тошкент шаҳар «Газ филияли» томонидан 2009 йил 24 декабрда Мусавва Сайёра Турсуновнага берилган №1487-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бeкор қилинади.



# «...Аҳил оилага айландик»

**Бола хоҳиш-истагини ҳис этиш, муҳими, уларнинг хордик чикаришида барча шароитни яратиб бериш айнаин нозик масала. Бунинг имкон қадар унда келатган болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолияти эътиборга молик.**

## «Ёшлик» Табиатни асранг!

Улкан тоғлар бағри ўзига хос табиати, манзараси билан ўзгача кайфият бахш этади. Шу маънода Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Чорвоқ сув омборининг шундоқ ёнида жойлашган «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи сизда ажиб таассурот уйғотиши турган гап.

Оромгоҳ замонавий услубда қурилган иморатлари, хиёбонлари билан беҳиётиёр диққатингизни тортади. Кираверишда «Табиатни асранг!» бурчаги ташкил этилган бўлиб, товуқ, ўрдак ва бошқа қўшлар ажойиб шароитда ён-атрофдагиларга қувонч улашаётир.

— Ушбу маскан 2008 йили август ойида ўз фаолиятини бошлаган. Наҳаққа, 160 та янги иш ўрни яратилган. Худудда барча шароит мавжуд, — деди оромгоҳ раҳбари Фариди Ҳасанова. — Шу боис йил давомида фаолият юритамиз. Ётоқ бинолари, очиқ ва ёпиқ спорт заллари, бассейнлар, аквапарк, ошхона, маънавият ва маърифат маркази, ўқув маркази, тиббиёт пункти болалар хизматидаги шай.

— Болалар соғлигини қузатиб бориш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун етарли дори-дармон ҳамда керакли жиҳозларга эгамиз, — деди ҳамшира Ҳафиза Абдуллаева.

Ўзбек ва хориж халқ эртақлари қарамонларининг ҳайкаллари ўрнатилган хиёбон бўлиб Аквапаркка қилиб бордик. У ерда битта катта ўлчамли, иккита кичик ўлчамли ҳовузалар бўлиб, болалар яйраб чўмилишарди.

— Аввалига шундай баланд тоғ ён бағрида шаҳарча борлигидан ҳайратга тушидик. Жуда ажойиб жой. Қўнлар шундай режалаштирилганки, барчасига: ўйнашга, чўмилишга, тадбирларда

иштирок этишга улгурамиз, — деди Сардор Абдуллаев. — Янги дўстлар ортирдим. Тадбирларда иштирок этишимизда етакчилар яқиндан ёрдам беради.

Оромгоҳдаги Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги тарихий ва замонавий обидаларнинг макети жойлашган худуд эътиборимизни тортди. Оқсарой, Регистон каби иншоотлар худди ўзидек ясалган.

Иккита ўқув корпусидан иборат ўқув маркази бир сменада 140 та ўқувчини қабул қилиш имконига эга. Эътиборли томони, йил давомида фаолият

юритадиган оромгоҳга келган болаларнинг мактаб таълим дастуридан ортада қолиб кетишининг олдини олади. Ўқув марказида математика, физика, кимё, биология, тарих, она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тили каби фанлар ўқитилади.

Айниқса, маънавият ва маърифат маркази эътиборимизни тортди. Унда йирик тадбирларни ўтказишга мўлжалланган 230 ўринли фаол зал, кутубхона ҳамда маънавият ва маърифат хонаси мавжуд. Кутубхонада болалар учун керакли адабиётлар тўпланган.

Умуман, 17,6 гектар худудни эгаллаган оромгоҳ, бир сўз билан айтганда, болалар шаҳарчасини эслатарди.

**«Чотқол»  
Эртақлар олами**

«Ёшлик»нинг шундоқ ёнида жойлашган яна бир маскан — «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи борганимизда бошқа оромгоҳлардан ажралиб турадиган қатор хусусиятларига гувоҳ бўлдик.

18 гектар худудни эгаллаган оромгоҳ тоғ ён бағрида зинапоё шаклида жойлашган бўлиб, дарахт ва гуллар

олиб қайтаман, — деди Наргиза Набиева. — Оромгоҳ туфайли дўстларим ҳам кўпайди.

Кутубхонада ўзбек ва дунё халқлари эртақлари, бадиий асарлар батареяли териб қўйилган бўлиб, болалар иштиёк билан мутолаага берилишган.

— Худудимизда кўриб турганингиздек дарахтларнинг саногига етиш қийин. Атиргулларимиз йигирма мингдан ортади. Бу ерда 4 мавсумда 2200 нафар бола таътилни мароқли ўтказди, уларнинг 15 фоизи, яъни 300 дан зиёд кам таъминланган болалар бепул дам олдирилади, — деди оромгоҳ раҳбари Эркин Дехқонов.

**«Ўзбекистон куни»**

— Бизда ҳар йилги мавсумни алоҳида ном билан атаган ҳолда, шунга мос тадбир режаси ишлаб чиқилади. Бу йил оромгоҳда рамзий киностудия ташкил этилди. Бунда, бир кунда бўлиб ўтадиган тадбир бир серия деб олинади. Бугун режага мувофиқ, «Ўзбекистон куни» бўлиб ўтапти, — деди Нафиса Абророва.


Шунга қўра, Ўзбекистон ҳақида шеърхонлик, турли учрашувлар, ватанимиз анъаналарини ўзида мужассам этган расмлар кўргазмаси, конкурс ва викториналар ўтказилибди. Биз борган пайтда эса меҳмон кутиш маросими бўлаётган экан. Биз ҳам бу жараён билан қизиқдик. Уларнинг меҳмон кутиш учун алоҳида тайёрларлик кўргани билиниб турарди. Унда миллий анъаналар билан бирга, рақслар ҳам намойиш этилди. Болалар билан суҳбатда уларнинг бу тадбирдан гоятда манмулнинг билиниб турарди. Дарвоқе, келгач қўра Ўзбекистон куни муносабати билан «Карвонсарой — шарқона бозор» тадбири бўлиб ўтар экан. Беҳиётиёр оромгоҳ бўлиб Ўзбекистон руҳи кезиб юрганини ҳис қилдик.

Оромгоҳ фаолиятида «Кўзмунчоқ» рақс дастаси, қўшиқчилик, хунарманчилик, рассомчилик тугарақларининг ўз ўрни бор. Бундан ташқари, спортнинг жуда кўп турлари бўйича машғулотлар ўтказилади.

— Худди ўрмонга тушиб қолгандек ҳис қиламан ўзимни. Атиргуллар худди димогингизни қитиқлаб туради. Тарбиячилар меҳрибон, етакчилар тадбирларга бош-қош. Бир сўз билан айтганда аҳил оилага айландик, — деди Диана Ҳалилова. — Маъданий-маърифий тадбирлар, танловлар, спорт мусобақалари, эҳ-хе, буларни санаб адоғига етиб бўлмайди...

Хуллас, тоғ ён бағрида жойлашган ҳар икки оромгоҳ — «замонавий болалар шаҳарчаси» ва «эртақлар мамлақати» жажжи қалбларга ўзгача завқ бағишлаб, айниқса, мамлакатимизнинг чекка худудларидан келган болаларнинг кўнглидагидек хордик чиқаришга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Пурвиқор тоғлар бағридан қайтар эканмиз, баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг қўламини шу икки оромгоҳда ҳам тўлақонли ҳис қилгандек бўлдик.

**Акмал ТОШЕВ,  
«Ishonch» мухбири  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар**



## 2010 йил — Баркамол авлод йили

**Хабарингиз бор, шу кунларда барча туман ва вилоятларда ўтаётган «Келажак овози — 2010» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Албатта, бу энтикишлар республикамиздаги 71024 нафар йигит-қиз қалбига беғона эмас. Чунки танловга шунча йигит-қиз арза топширган.**

# Парвозга шайланганлар

**Нозимжон Қосимов, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:**  
— Танлов ўтган йилгига қараганда кўпроқ қизиқш уйғотганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, голибларни аниқлашда саҳнадаги ижрогина эмас, балки ҳар бир йигит-қиз қобилиятининг имконияти қай даражада эканига ҳам алоҳида эътибор қаратишга тўғри келди.

— Мақсад фақат голиблик эмас, — дейди танловнинг туман босқичи голиби Дилрабо Турдалиева. — Мирзо Улуғбек туманидан қатнашиб, 2-ўрин билан шаҳар босқичига чиқдим. Ҳали жисмоний тарбия институти яқин қураш факультетида таҳсил оламан. Қаратэ бўйича республикада 2-ўринни қўлга киритдим. Лекин рақс нафис санъат эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

«Келажак овози» танлови биз учун бир синов майдони. Қолаверса, танловда қатнашининг ўзинёқ ёшларнинг руҳини кўтаришга хизмат қилади.

**Ҳамидулла Ортиқов, Тошкент хореография миллий рақс мактаби ўқувчиси:**

— Бу танловга учинчи бор қатнашимиз. Ўтган икки йил голиб бўлмамиз. Энди республика босқичида ҳам яхши натижаларга эришиб, устозимнинг ишончини оқлашим керак.

**Таваккалжўжа Насриддинов, танлов голиби:**  
— Илк бор қатнашимиз. «Келажак овози» голибларининг келгуси фаолиятлари Фонд Форум, танловнинг жамоатчилик кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади. Шунингдек, университетда таҳсил олишлари учун таълим грантлар ва махсус «Келажак овози» стипендиялари таъсис этилгани ҳам кишига гайрат-шижоат бахш этади.

Дарвоқе, дастур доирасида танлов голибларининг энг қизиқарли лойиҳалари амалиётда қўлланилиб, улар учун грантлар ажратилади. Лауреатларнинг халқаро фестивал ва дастурларда иштирок этишлари учун кўмак берилади. Бугунга келиб, ўтган йиллардаги голиблардан 27 нафари ўзларининг кашфиётлари учун патент эгасига айланиб, бир қанча ёшлар эса чет элда таълим олиш учун Хитой, Германия, Корея, Малайзия, Буюк Британия каби давлатларга юборилди.

**Н. БОЙМУРОВА**

# Уй тўридаги ёдгорлик

Бу воқеага кўп йил бўлди. Мен унда бола эдим. Ойна жаҳон орқали Ўзбекистон Давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг концертини мириқиб томоша қилардим. Ишдан хориб келган дадам:

— Вой, анави тор чалаётган ўзимизнинг Абдуғаффорку! — дея хурсанд бўлганидан чапак чалиб юборди.

— Дадажон, сиз уни танийсизми? — дедим.

— Таниганда қандоқ, ўғлим. Биз онанг билан янги турмуш қурган кезларимизда икки йилча Саксон ота қишлоғида ҳайратангиз бўлган. Ушбу кезларда Абдуғаффор мусиқа мактаби талабаси эди. Қишлоқда бўладиган тўй-ҳашамлар усиз ўтмасди. «Қашқар» рубобини чунонам чертардик, махлиб бўлмаган одам йўқ эди.

Шу-шу Абдуғаффор Саидбаталовга қизиқишим ортди. У ижро этган дилрабо куйларни тез-тез тинглаб юрдим. Кейинчалик халқимизнинг севимли санъаткори айланган Абдуғаффор ака билан кўп бор суҳбатлашим шарафига муяссар бўлдим.

У Юқори Чирчиқ туманида Саксон ота қишлоғида дунёга келган. Айтишларича, отаси Саидбаталов Жуман ўғли ўз даврининг таниқли оқинларидан бўлиб, қўлига дўмбира олиб куйлаганда, яқин атроф-

да унга тенг келадиган топилмас экан. Айниқса, у авлоддан-авлодга ўтиб келадиган халқ достонларини севиб куйлаган. Кейинчалик ўзи ҳам 196 бетдан иборат «Саидбаталов» кассасини ёзган. Аммо, китоб ҳолида чоп этишга улгурмай, 1978 йилда дунёдан кўз юмган.

Абдуғаффорга отасидан юққан қизиқиш уни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги мусиқа билим юртига бошлаб келди. Унга илк бор таниқли созанда, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадҷон Мирзаев устозлик қилди. Эндигина ташкил этилган Ўзбекистон Давлат эстрада театрига та-

лиф этди. У энди ўқиш билан бирга меҳнат фаолиятини ҳам чамбарчас олиб борди. Мусиқа билим юртини муваффақиятли тугатган, эл назарига тушган Муҳаррама Турғунбоева ва Маъмуржон Узоқовдан таълим олди.

Кўп йиллар халқимиз санъатини қардош Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонда ҳам намойиш олди.

Ўлим — ҳақ. Узоқ давом этган хасталик санъаткорни орамиздан олиб кетди. Уй тўрида турган «Қашқар» рубоби эса ундан ёдгор бўлиб қолди.

**Латифҷон МАНСУРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

**Жараён**  
Айни пайтда «Тошкентшаҳаргаз» худудий филиалларида кузги-қишқи мавсумга ҳозирлик қўриш қизгин паллага кирди. Газ қувурларини таъмирлаш, газ тақсимлаш пунктларини тафтишдан ўтказиш, дудбўронларни назоратдан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

# Мавсумга ҳозирлик

«Яккасаройтумангаз» филиалида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур филиал раҳбари Иброҳим Дадажоновнинг таъкидлашича, шу пайтга қадар 8000 км.лик газ қувурларининг қарийб 4500 км.ида бўёқлаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Шунингдек, ГРПларни тафтиш қилиш 63 фоиз, дудбўронларни назоратдан ўтказиш 40 фоизга бажарилган. Бу ишларнинг барчасини октябр ойига қадар тўлиқ якунлаш кўзда тутилган.

— Биз фақат кузги-қишқи мавсумга ҳозирлик қўриш билан чекланиб қолганимиз йўқ, — суҳбатимизга қўшилади филиал касаба уюшмаси раиси. — Ишчи-хизматчилар ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, уларга дам

олиш хоналари, душ хоналари ташкил этилиши билан бир қаторда ҳар куну уларга сут ва махсулотлари бепул бериб боришмоқда. Шунингдек, ходимлар саломатлигини тиклаб олишлари учун дам олиш сиҳатгоҳларига имтиёзли равишда йўлланмалар бериб боришмоқда.

Бундан ташқари, ходимлар фарзандлари учун «Тошшаҳаргаз» қарамогидида «Зангори олов» болалар оромгоҳига арзонлаштирилган йўлланмалар бериш йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, жамоамизда «яхши дам, меҳнатга ҳамдам» анъанасига қатъий амал қилиб боришмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

**Танлов  
Мафункор  
ранглар жилоси**  
Навоий шаҳридаги «Кимёгар» МФЙда имконияти чекланган болалар ўртасида бўлиб ўтган расмлар кўриқ-танловини ана шундай номланган. Унда маҳаллада яшовчи 25 нафар ногирон бола иштирок этди. Улар тадбир давомида она табиат жилоси акс этган расмларни бўёқлар ёрдамида тасвирлашга ҳаракат қилишди. Биринчи ўрин Муниса Носирова, иккинчи ўрин Шавкат Самандаров ва учинчи ўрин Жамшид Хайруллаевларга насиб этди. Танлов қатнашчилари Навоий шаҳар «Соғлом авлод учун» жамағатлари ҳамда ҳомийлар томонидан кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.  
**Нафиса ШЕРНАЕВА,  
маҳалла маслаҳатчиси**



**Muassis:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir:**

**Abdulloq Abdurazzoqov**

**Tahrir hay'ati:**

**Alla DOLJENKOVA,**

**Anvar YUNUSOV,**

**Dovud MADIYEV**

(Bosh muharrir o'rinbosari),

**Jahongir SHAROFBOYEV**

(Mas'ul kotib),

**Ma'mura ADILOVA,**

**Mirzohid SODIQOV,**

**Normamat**

**AIAYOROV,**

**Nosirxon AKBAROV,**

**Oysuluv NAFASOVA,**

**Pirimqul QODIROV,**

**Sog'indiq**

**NIYETULLAYEV,**

**Shamsi ESONBOYEV**

**Bo'limlar:**

**Kasaba uyushmalari hayoti**

**256-87-63**

**Huquq va xalqaro hayot**

**256-03-90**

**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat**

**256-87-74**

**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport**

**256-82-79**

**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash**

**256-85-43**

**Reklama va e'lonlar**

**256-87-73**

**Manzilimiz:**

100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:  
mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**

**133**

**Navbatchi muharrir:**

**A. Toshev**

**Navbatchi:**

**A. Abdullayev**

**Musahhah:**

**S. Shodiyeva**

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**

**Sahifalovchi:**

**H. Abdullajilov**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.**

**Korxonalar manzili:**

**«Buxoro» Turon ko'chasi, 41-uy.**

**O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.**

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.**

**«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.**

**(h) - Tijorat materiallari**

**Bosibcha topshirish vaqti - 21.00**

**Topshirildi - 20.30**

**Buyurtma Γ — 551**

**18774 nusxada bosildi**

**ISSN 2010-5002**

**1 3 4 5**